

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари
иттифоқ қилган ҳадислар / 82-ҳадис**

82 - عَنْ أَبِي قَتَادَةَ، قَالَ: حَظَبْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «إِنَّكُمْ تَسِيرُونَ عَشِيَّتَيْكُمْ وَلَيْلَتَيْكُمْ، وَتَأْتُونَ الْمَاءَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ غَدًا». فَاَنْطَلَقَ النَّاسُ لَا يَلْوِي أَحَدٌ عَلَى أَحَدٍ.

قَالَ أَبُو قَتَادَةَ: فَبَيَّتْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسِيرٌ حَتَّى ابْتَهَرَ اللَّيْلُ وَأَنَا إِلَى جَنْبِهِ - قَالَ -
فَنَعَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَالَ عَنْ رَاحِلَتِهِ، فَأَتَيْتُهُ فَدَعَمْتُهُ مِنْ غَيْرِ أَنْ أُوقِظَهُ حَتَّى
اعْتَدَلَ عَلَى رَاحِلَتِهِ - قَالَ - ثُمَّ سَارَ حَتَّى تَهَوَّرَ اللَّيْلُ مَالَ عَنْ رَاحِلَتِهِ - قَالَ - فَدَعَمْتُهُ مِنْ غَيْرِ أَنْ
أُوقِظَهُ حَتَّى اعْتَدَلَ عَلَى رَاحِلَتِهِ - قَالَ - ثُمَّ سَارَ حَتَّى إِذَا كَانَ مِنْ آخِرِ السَّحْرِ مَالَ مَيْلَةً هِيَ أَشَدُّ
مِنَ الْمَيْلَتَيْنِ الْأُولَيَيْنِ حَتَّى كَادَ يَنْجِفِلُ، فَأَتَيْتُهُ فَدَعَمْتُهُ، فَرَفَعَ رَأْسَهُ فَقَالَ: «مَنْ هَذَا؟» قُلْتُ: أَبُو
قَتَادَةَ. قَالَ: «مَتَى كَانَ هَذَا مَسِيرِكَ مَعِي؟» قُلْتُ: مَا زَالَ هَذَا مَسِيرِي مُنْذُ اللَّيْلَةِ. قَالَ: «حَفِظَكَ اللَّهُ
بِمَا حَفِظْتَ بِهِ نَبِيَّهُ». ثُمَّ قَالَ: «هَلْ تَرَانَا نَحْفَى عَلَى النَّاسِ؟» ثُمَّ قَالَ: «هَلْ تَرَى مِنْ أَحَدٍ؟» قُلْتُ:
هَذَا رَاكِبٌ. ثُمَّ قُلْتُ: هَذَا رَاكِبٌ آخِرٌ، حَتَّى اجْتَمَعْنَا فَكُنَّا سَبْعَةَ رُكْبٍ - قَالَ - فَمَالَ رَسُولُ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الطَّرِيقِ، فَوَضَعَ رَأْسَهُ، ثُمَّ قَالَ: «احْفَظُوا عَلَيْنَا صَلَاتَنَا». فَكَانَ أَوَّلَ مَنْ
اسْتَيْقَظَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالشَّمْسُ فِي ظَهْرِهِ - قَالَ - فَمُنَّا فَرَعَيْنِ، ثُمَّ قَالَ: «اُكْبُوا»
فَكُنَّا، فَمَسَرْنَا حَتَّى إِذَا اِرْتَفَعَتِ الشَّمْسُ تَرَلْ، ثُمَّ دَعَا بِمِضَاةٍ كَانَتْ مَعِي فِيهَا شَيْءٌ مِنْ مَاءٍ - قَالَ -
فَتَوَضَّأَ مِنْهَا وَضُوءًا دُونَ وَضُوءٍ - قَالَ - وَبَقِيَ فِيهَا شَيْءٌ مِنْ مَاءٍ، ثُمَّ قَالَ لِأَبِي قَتَادَةَ: «احْفَظْ
عَلَيْنَا مِضَاتَكَ، فَسَيَكُونُ لَهَا تَبَأٌ». ثُمَّ أَدَنَّ بِلَالٌ بِالصَّلَاةِ، فَصَلَّى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
رُكْعَتَيْنِ، ثُمَّ صَلَّى الْعُدَاةَ فَصَنَعَ كَمَا كَانَ يَصْنَعُ كُلَّ يَوْمٍ - قَالَ - وَرَكِبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وسلم وَكَبْنَا مَعَهُ - قَالَ - فَجَعَلَ بَعْضُنَا يَهْمِسُ إِلَى بَعْضٍ: مَا كَفَّارَةٌ مَا صَنَعْنَا بِتَفْرِيطِنَا فِي صَلَاتِنَا؟
ثُمَّ قَالَ: «أَمَا لَكُمْ فِي أَسْوَةِ؟» ثُمَّ قَالَ: «أَمَا إِنَّهُ لَيْسَ فِي النَّوْمِ تَفْرِيطٌ، إِنَّمَا التَّفْرِيطُ عَلَى مَنْ لَمْ يُصَلِّ
الصَّلَاةَ حَتَّى يَجِيءَ وَفَتْ الصَّلَاةَ الْأُخْرَى، فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ فَلْيُصَلِّهَا حِينَ يَنْتَبِهَ لَهَا، فَإِذَا كَانَ الْعَدُو
فَلْيُصَلِّهَا عِنْدَ وَفَاتِهَا». ثُمَّ قَالَ: «مَا تَرَوْنَ النَّاسَ صَنَعُوا؟» قَالَ: ثُمَّ قَالَ: «أَصْبَحَ النَّاسُ فَقَدُوا
نَبِيِّهِمْ»، فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ: رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَلَكُمْ لَمْ يَكُنْ لِيُخَلِّفَكُمْ. وَقَالَ النَّاسُ:
إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ أَيْدِيكُمْ، فَإِنْ يُطِيعُوا أَبَا بَكْرٍ وَعُمَرَ يَرْضُوا». قَالَ: فَاتَّهَيْتُنَا
إِلَى النَّاسِ حِينَ امْتَدَّتِ النَّهَارُ وَحَمِيَ كُلُّ شَيْءٍ، وَهُمْ يَقُولُونَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلَكْنَا عَطِشْنَا. فَقَالَ: «لَا
هَلَكَ عَلَيْكُمْ». ثُمَّ قَالَ: «أَطْلِفُوا لِي عُمْرِي». قَالَ: وَدَعَا بِالْمِيضَاءِ، فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ يَصُبُّ وَأَبُو قَتَادَةَ يَسْقِيهِمْ، فَلَمْ يَعُدْ أَنْ رَأَى النَّاسَ مَاءً فِي الْمِيضَاءِ تَكَابَّوْا عَلَيْهَا، فَقَالَ رَسُولُ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَحْسِنُوا الْمَلَأَ، كُلُّكُمْ سَيَرَوِي». قَالَ: فَفَعَلُوا، فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُبُّ وَأَسْقِيهِمْ، حَتَّى مَا بَقِيَ غَيْرِي وَعَيْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ - ثُمَّ
صَبَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ لِي: «اشْرَبْ». فَقُلْتُ: لَا أَشْرَبُ حَتَّى تَشْرَبَ يَا رَسُولَ
اللَّهِ! قَالَ: «إِنَّ سَاقِي الْقَوْمِ آخِرُهُمْ شُرْبًا». قَالَ: فَشَرِبْتُ وَشَرِبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ -
قَالَ - فَأَتَى النَّاسَ الْمَاءَ جَائِعِينَ رَوَاءً.

[خ 595، م 681، ت 177، س 615، د 437، ج 3434].

Абу Қатодадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилиб, «**Оқшомда ва туни билан юриб, иншааллох, эртага сувга етиб борасизлар**», дедилар. Одамлар йўлга тушишди. Биров бировга қайрилиб ҳам қўймасди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кетиб борардилар, мен ёнларида эдим. Тун яримлаганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уйқу элтиб, уловларидан бир тарафга оғиб қолдилар. Бориб, у зотни уйғотмай, тикланиб олгунларича суяб бордим. Сўнг юришда давом этдилар. Кечанинг кўп қисми

ўтгач, у зот яна уловларидан бир тарафга оғиб қолдилар. Яна бориб, у зотни уйғотмай, тикланиб олгунларича суяб бордим. Сўнг яна юришда давом этдилар. Саҳар пайти охирлаганда олдинги икки галгидан ҳам кўпроқ оғиб қолдилар, ҳатто йиқилиб тушай дедилар. Бориб, у зотни суяган эдим, бошларини кўтардиларда, «**Ким бу?**» дедилар. «Абу Қатодаман», дедим. У зот: «**Қачондан бери ёнимда бундай юриб келяпсан?**» дедилар. «Туни билан шундай юриб келяпман», дедим. У зот: «**Сен Аллоҳнинг Набийсини асраганингдек, У Зот ҳам сени асрасин**», дедилар. Кейин: «**Нима деб ўйлайсан, одамларга кўринмай қолдикми?**» дедиларда, сўнг: «**Ўзи кимнидир кўряпсанми?**» дедилар. «Мана бу отлиқни», дедим. Сўнгра: «Мана яна бир отлиқ», дедим. Шундай қилиб, тўпланиб, етти отлиқ бўлдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлдан четга чиқиб, бошларини (ерга) қўйдилар. Сўнг: «**Намозимизга ҳушёр бўлинглар**»,* дедилар. Биринчи бўлиб уйғонган киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлдилар, елкаларига қуёш тушиб турарди. Даҳшатга тушган ҳолда ўрнимиздан турдик. Сўнгра у зот: «**Уловга мининглар**», дедилар. Уловга миниб, йўл юрдик. Қуёш кўтарилганда у зот тушиб, менинг ёнимдаги обдастани келтиришни сўрадилар. Унда озгина сув бор эди. Ундан (сув қуйиб, одатдагидан) енгилроқ таҳорат олдилар. Унинг озгина суви қолди. Сўнг менга: «**Обдастанг туриб турсин, унда бир гап бўлади**», дедилар.* Кейин Билол намозга азон айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ракъат намоз ўқиб, сўнгра ҳар кунгидек бомдодни ўқидилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловга миндилар, биз ҳам у зот билан бирга уловга миндик. Шунда бир-биримизга: «Намозга бепарволик қилиб қўйганимизнинг каффороти нима бўларкин?» деб пичирлаша бошладик. У зот: «**Сизларга мен ўрнак эмасманми?**» дедилар. Сўнгра: «**Ухлаб қолиш бепарволик эмас. Бепарволик - намозни кейинги намознинг вақти киргунича ўқимасликдир. Ким шундай қилса, эсига тушган пайтидаёқ уни ўқиб олсин. Кейин эртаси куни эса уни ўз вақтида ўқисин**»,* дедилар. Сўнгра у зот: «**Одамлар* нима қилишди экан?**» дедилар. Кейин: «**Одамлар тонгда туриб, набийларини топа олишмади**», дедилар. Абу Бакр ва Умар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орқамиздалар, сизларни ортда қолдириб кетганлари йўқ», дейишди. Одамлар эса: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиндалар, Абу Бакр билан Умарга итоат қилсак, тўғри йўлни топамиз», дейишди.

Кун ёйилиб, ҳаммаёқ қизиган пайтда (қолган) одамларга етиб олдик. Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, ўладиган бўлдик, чанқаб кетдик», дейишарди. У зот: «**Ўлмайсизлар**», дедилар. Кейин: «**Менга пиёламни узатиб юборинглар**», дедиларда, сўнг обдаста келтиришни сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйиб турдилар, мен эса уларга сув узата бошладим. Одамлар обдастадаги сувни кўриб, унга ташланишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ўзларингизни тутинглар, ҳаммангизга етади**», дедилар. Улар тинчланишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйиб турдилар, мен эса уларга сув узатиб турдим. Ниҳоят,

мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа одам қолмади. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйиб, менга «**Ич**», дедилар. «Сиз ичмагунингизча ичмайман, эй Аллоҳнинг Расули», деган эдим, у зот: «**Қавмнинг соқийси охирида ичади**», дедилар. Мен ичдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ичдилар. Кейин одамлар сувга тетик, қонган ҳолда келишди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

* «Эртасига ҳам ўша намозни вақтидан ўтказиб ўқишга одатланмасин».

* Шу обдастадаги сувнинг кўпайиб, ҳаммага етиши Набий алайҳиссаломнинг мўъжизалари бўлган. Бу ерда шунга ишора қилмоқдалар.

* Бу ерда олдинга ўтиб кетганлар назарда тутилмоқда.

Манба: hadis.islom.uz

